

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА •



Абдул Фани ЖУМА сурати

УШБУ СОНДА:

КОЗИМ ҚАЮМОВ:

Менга ҳам сени ёқтирмасдим, очиги, ёмон кўрардим. Менга ёзган мактубингни йиртиб ташлаганимдан хабаринг бор. Мени унутиб юборгансан деб уйлاردим. Афсус, унутмабсан.

Мана орадан ўн беш йил ўтиб, хунарингни кўрсатдинг. Оилам, болачакам борлиги ҳам сени ўз ниятингдан қайтара олмапти. Турмуш қурганимдинг, йўқми, бехабарман. Лекин бундай йўл тутишингни ҳеч ақлимга сизгидира олмайман. Майли, сен-ку шунчаликка борибсан, бироқ хотинимга ҳам тушунолмадим. Нега сени қучоқ очиб, шу қадар хушнудлик билан кутиб олдикин? Менга алам қилди. Ахир бегона бир аёл сенга тегаман деб келиб турса-ю, хотининг бепарво турса, сени қизганмаса, рашк қилмаса... Бундан ёмонни бўлмас экан.

Сен бутун кўч-кўронинг билан келганинг. Лаш-лушларинг унча-мунча мошинга эмас, нақ бир вагонга юк бўлганиди. Аксига олиб, темирйўл ҳам уйимзининг шундоққина биқинидан ўтиб қолибди.

Сенинг келишингни кўни-қўшилар

таслими қабул қилишдики, ҳеч кимда на ҳайрат, на ғазаб алоқатини кўрмадим.

Синфдошим, кечир, кўнмингни ҳеч қачон тилга ололмайман. Сен менга ҳеч ким эмасдинг, сен ҳақингда ҳеч қачон ўйламасдим. Дунёда бор-йўқлигинг менга мутлақо аҳамиятсиз эди.

Мақтабни тугатганда ҳеч ким мендек қувонмаган бўлса керак. Чунки мен сени ҳар кўни кўриш азобидан қутулган эдим. Шунинг ўзи мен учун жуда катта қувонч эди. Бунчалик очиқ ёзаётганим учун узар. Булар ҳаммаси тарихга айланиб бўлди. Сен эса ҳамisha кулиб турардинг. Ҳатто табассуминг ҳам ғашимни келтирарди. Шуларни кўра-била туриб мен билан яшашни истабсан.

Қўлимни кафтингда тутганча никоҳ узугини тақиб қўймоқчи бўлдинг. Афсуски, сенга керакли бармоғим банд эди. Шунда ҳам ғазабланмадинг, кулиб туриб узукни улоқтирддинг. Барибир юрагинг, ҳаётинг меники, деддинг.

Хуллас, биз билан яшай бошладдинг. Назаримда сен жонсиз ва фикрсиз бир жисм эдинг. Фақат кулиб




КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ҳаракатларинг роботга ўхшарди. Бир кўни ухлаётганимда ҳам кулиб ётган экансан. Сочларинг қировдек олпоқ эди. Кўрдиму кўрқиб кетдим. Тўсатдан кулгинг йиғига айланди.— Сочларимни сен оқартирддинг, сен,— дея қаҳ-қаҳ уриб кула бошладдинг. Мен ҳеч нарсага тушунолмамай карахт бўлиб қолгандим. Ҳаётингда биринчи марта менга тик қараб, дадил гапиришинг эди бу. Яна кўп гапларни гапирдинг. Юзинг гоҳ оловдек қизариб кетар, гоҳ олпоқ тусга кирар, гоҳ шунақаям кўкариб кетардики, ҳайратдан сўзларингни ҳам англай олмадим. Фақат «ур, ур» дея бақиршинг қулоғимда қолди... ва чаканга тортиб юбордим...

— Дадаси, сизга нима бўлди, нега урасиз? Кўзингизни очинг.

Синфдошим, сени тушимда кўриб, хотинимни урибман. Аслида сени урмоқчи эмасдим. Узинг талаб қилдинг, нима қилай?

Мақтабда айтган гапинг эсингдами? Кимга уйлансанг ҳам бир марта уриштираман деганинг. Ниятингга етдинг.



Синфдошим, сендан хафа эмасман. Сени ёмон ҳам кўрмайман. Майли тушларимга кириб тур. Исмнинг айтмадим, узар. Тушунарсан ўзимни ҳам очиқ баён қилмадим. Қисқагина қилиб, фақат сенга тушунарли тилда ёзиб қўя қолдим:

180 ЙИЛ ЯШАСА БЎЛАДИ

Сизнинг фикрингизча, инсон неча йил яшаши мумкин? Етмишми, саксон йилми?

Айрим геронтологлар инсон бундан ҳам кўпроқ умр кўриши мумкин деб ҳисоблашади. Масалан, лондонлик доктор Кристоферсон шундай фикрни билдиради: «Агар инсон ҳаётини фаолияти учун зарур бўлган барча моддалар билан таъминланса, 300, 400 ҳатто, 1000 йил ҳам яшаши мумкин». Табиат ҳодисаларини тадқиқ қилувчи таниқли инглиз олими Рожер Бэкон ҳам узоқ яшаш муаммолари билан шуғулланиб, инсон табиий равишда бемалол минг йил умр кўриши мумкин эканлигини айтади.

Табиат бағрида узоқ умр кўрувчи мавжудотлар ҳақида эшитгандирсиз? Мексика, Амрико саванналарида беш минг йиллик сарв дарахтлари бор. Балиқларнинг айрим турлари (зогорабалик, чўртанбалиқлар) 300 йил, тошбақалар бир неча аср, маймунлар, оққушлар, тўтиқушларнинг айрим турлари 100 йил яшайди. Одамларга келганда шунини айтиш мумкинки, Тавротин чуқур ўрганган Кристоферсоннинг аниқлашича, Мафусоил алайҳиссалом 969 йил, Юсуф алайҳиссалом 110 йил, Мусо алайҳиссалом 120 йил, Иброҳим алайҳиссалом эса 175 йил яшаганлар.

Қадимги греклар (пеласлар) етмиш ёшда қазо қилишни бешикда вафот этиш, дея ҳисоблашган. Қадимги грек муаррихларининг гувоҳлик беришларича, пеласлар камида 200 йил яшашган. Шуниси эътиборга лойиқки, улар умрларининг охирига қадар тетик, бардам бўлишган ва сочлари оқармаган. Та-

рихдан бир неча мисоллар келтиришимиз мумкин: 1588 йилда Лондонда таваллуд толган Томас Парр 152 ёшида қазо қилди. 147 йил биргаликда турмуш қурган эр-хотин ҳам бўлган. Эри 173 йил, хотини эса 184 йил умр кўришган. Айтишларича, улар 150 ёшларидан ҳам худди 50 ёшли одамлардек тетик эдилар.

Асримизнинг 60-йилларида Эронда Саййид Али деган киши яшаган эди. У 195 йил умр кўрди. Бу табаррук инсон 1790 йилда уйланган. Катта ўғли анча «ёш» — 120 ёшида вафот этган. Алининг яна тўрт нафар фарзанди бўлиб, икки ўғли 105 ва 90 ёшда, қизлари 110 ва 80 ёшдадир.

Мен рақс санъатидан дарс берадиган 75 га кирган аёлни билардим. У йигирма яшар қизлардек чаққон, кўринишига қараб эса бу аёл ҳали қирққа ҳам кирмаган бўлса керак, дердингиз. Унинг вужуди тараңг, юзларида ажин йўқ, тишлари садафдек ва бекаму кўст. Мен яна бир аёлни билардим. У 85 га кирган бўлса-да, қомати ҳамон бағоят гўзал, сочлари сўлим. Унга уч мартаба совчи келди, лекин ҳамон ёлғиз, бирор бир қарорга келганича йўқ эди.

Бугунги кунда ўртача умр 70 йилни ташкил этади. Шу боисдан узоқ яшаш, барвақт қаримаслик ҳақидаги фикр кўпчиликка эриш туюлар. Биз қисқа умр кўришга руҳан мослашганимиз. 180 йилни адоғи йўқ муддат деб ўйлаймиз. Қанчалик қартайиб бораверсак, вақт ҳам шу қадар шиддат билан ўтиб бора-

веради. Болаликда эса оёйилларга татийди. Чунки ёш организмда жисмоний ва руҳий ўзгаришлар баркамоллик давридагига қараганда анча кўп рўй беради. Вақт ўн яшар бола учун эллик ёшли эркакка қараганда тўрт баробар секин ўтар экан. Пьер Леконт де Нейн айтганидек, «Айни бир маконда истиқомат қилаётган ёшлар ва қариялар вақт турлича ўтиб бораётган дунёда яшайдилар».

Кўп одамлар «агар инсон табиатга яқин бўлмаса қасалликка чалинмасдан ва қаримасдан узоқ умр кўриши мумкин эмас», деган фикрни илгари суради. Хўш, ортга бир қадам ташлаш қандай бўлади? Ибтидоий даврлардагидек, дарахдан дарахтга сакраб юриб, тирикчилик қилиш, горларни макон қилиб, пустиак-тери ёпиниш керакми? Балки электр қуввати, сувқувур суви бўлмаган ёғоч кулбалар, капаларда истиқомат қиларми? Гап шундаки, ўзимиз учун табиий бўлган шароитларда туғилганимиз ва яшаймиз. Айни пайтда тараққиёт берган имкониятлардан фойдаланаялмиз ҳам Аммо бу камчиликларга кўникиш дегани эмас.

Ҳозирги одамлар олис аждодларимиз билмаган усуллар ёрдамида соғлиқларини яхшилашга бемалол имкониятлари бор. Олим Шерман дастлабки одамларнинг соғлом бўлганликлари ва тўғри тарзда овқатланганликлари ҳақидаги фикрни рад этади. Улар овқат танламаган. Кўнгли емак истаганда толган нарсасини танавул қилиб кетаверишган, шунинг учун ҳам организмга зарур моддалар

етишмаган. Кўплаб жисмоний нуқсонларга эга бўлган ибтидоий одамларнинг суяклари шундан далолат беради. Олис аждодларимиз минерал тузлар ва дармондориларга жуда-жуда муҳтож бўлишган. Ҳозир эса ҳар бир инсон ўз соғлигининг ғамини еса бўлади.

Амрико тиббиёт ассоциациясининг собиқ президенти доктор Эдвард Бёрц фикри-



С. МАҲКАМОВ сурати

ча, узоқ яшаш учун жисмоний меҳнат, умуртқанинг тўғри бўлиши, яхши овқатланиш (етарли даражада оксил, ёғ, углевод, дармондори ва минерал тузлар), ҳар кун 2-3 литр суюқлик истеъмол қилиш, тўйиб ухлаш, яхши дам олиш ва кўл ҳамда бошни ҳаракатлантириб туриш зарур омиллардир.

Яна бир жуда муҳим омил бор: бу — ҳаётга бўлган муносабатингиз, яшашга бўлган қучли истагингиздир. Яшашга бўлган ташналик, ҳатто бедаво дардларни енгиб ўтишга ҳам ёрдам беради.

Умр келангиз елканларини баланд кўтариб, 180 йилни мўлжал олиб, дадил сузавершингиз керак. Мўлжални ортда қолдиришга ишонингиз ва бунинг учун ҳамма ишни қилишингиз зарур.

Шуни яхши билингки, инсон аъзолари ўзини янгилаб турувчи буюк тузилмадир. Лекин улар зарур унсурлар, омилларсиз меъёрда яшай олмайд.

КЕКСАЛИК УСТИДАН ҒАЛАБА

Ҳайрон қоласан: негадир одамлар ёшлик паллалариданоқ 70 ёшни сўнги муҳлат деган фикрга кўникиб боришади. Қачонлардир хаёлга келган бу фикр оннга маҳкам ўрнашиб олиб, инсоннинг кайфияти, ҳаёт тарзига ўз таъсирини ўтказиб туради.

Тиббиётчилар даволаш жараёнида нотўғри тушунчага эга бўлиш ёхуд ўзини ишон-

тириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашади.

Агар сиз кутилмаган натижага эришишни ва роппароса 180 ёшлик тўйингизни нишонлашни истасангиз, ҳеч ўйламасдан барча шубҳалардан воз кечинг. Қариллик келиб қолганлиги ҳақидаги нохуш фикрни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирманг. Тумов кўп ўралашадиган бўлиб қолди, шалвираб қолаялман, деган хаёлларга ҳеч берилманг. Бундай ўйлаш жуда хавфли, улар умид учқунларини сўндиреди. Ҳаракатингизни кўринг, соғломпокиза ашаш дастурини тўзиб қичқинг. Сизнинг фаоллигингиз, ўқтамлик ва бардамлик хаёлингиздан ёмон ўйлари кувиб чиқаради.

Янгича яшашга кўникиш учун вақт керак бўлади. Шу боисдан шошилманг, ҳаммиса соғломлигингизни мустақамлаш учун тағзамин кўяётганлигингизни, шу аснода ёшликни узайтириб, қариллик хуружини даф қилаётганлигингизни эслаб туринг.

Ҳозир ривожланган мамлакатларда ёши кекса кишилар сони тобора кўпаймоқда. Агар одамлар 65 ёшда қаримасан, унда 75 ва 80 ёшида тамоман қартайиб, мункиллаб қоладилар. Ана шу ёшлардаги гуруҳлар сафи тобора кенгайиб бораверса, унда қариқарангларга қарайдиганлар сони ҳам ортиб боради. Бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян қисми ишлаб чиқариш жабҳаларида қатнаша олмаслигига, жамиятда ишчи кучининг тақчиллашишига олиб келади. Худди мана шунинг учун ҳам бемавруд қаришга қарши кураш кенг миқёсда олиб бориламоқда.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ таржимаси

Аҳмад ЯССАВИЙ

ҲИКМАТ

*Татаввуъ рўза тутар, халқларга шайхлик сотар,
Илми йўқ оминдин батар охир замон шайхлари.*

*Белига фута чолур, ўзини киши сонур,
Арасотда йўқтанур охир замон шайхлари.*

*Бошига дастор ўрар, илми йўқ, нега ярар,
Уқи йўқ ёсин қураар охир замон шайхлари.*

*Алоийдин ол қилур, маъмилиани мол қилур,
Эссиз умрин ел қилур охир замон шайхлари*

*Шайхлик улур турур, ҳазратга элтган иш турур,
Ош бермас бағри тош турур охир замон шайхлари.*

*Мискин АҲМАД, қандасен, Ҳақ йўлида недасен,
Илминг йўқ на сондасен, охир замон шайхлари.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ «НАВРУЗ» ВА «МАХАЛЛА» БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫЕ ФОНДЫ «НАВРУЗ» И «МАХАЛЛА» РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

1993—1994 ЙИЛЛАРДА УН МАРТА УИНАЛАДИГАН ПУЛ-ЮТУКМИ ТЕЛЕВИЗИОН ХАЙРИЯ «ЛОТЕРЕЯСИ»

БАГОТВОРИТЕЛЬНАЯ КЕНЧУ БИГРЫШНАЯ ТЕРМИЛОННИК ЛОТЕРЕЯ АССТИРАЗОБОБ ТИРАЖА 1993—1994 ГОДАХ

ЮТУКЛАР ТИРАЖИ 1993—1994 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ХАР ОЙНИНГ 15-КУНИДА УТГАЗИЛАДИ

ТИРАЖ БИГРЫШЕИ СОСТОИТСЯ В 1993—1994 ГОДАХ ЕЖЕМЕСЯЧНО 15 ЧИСЛА

"ОЙНИНГ УН БЕШИ КОРОНГИ БУЛСА, УН БЕШИ БРУФ, ДЕИДИЛАР." ХАЛК МАКОЛИ.

РАЗРЯД 00

ЧИГТА № БИЛЕТ № СЕРИЯ №

ЧИПТАНИНГ БАХОСИ 200 СЎМ (РУБЛЬ ҚИЙМАТИГА ТЕНГ) • СТОИМОСТЬ БИЛЕТА 200 РУБЛЕЙ

Дераза

«УМРИБОҚИЙЛАР»

Шу пайтгача узоқ умр кўрувчилар гўшаси бўлган Қофқоз ўрнини энди Апеннинга берганга ўхшайди. Яқин вақтгача Италияда ёши юздан ошган момолар ва боболар сони икки ва уч минг ўртасида деб, ҳисобланиларди. Бугун бу рақамлар анча эскирибди. Италия геронтологларининг янги маълумотида, Апенниннинг 6100 қарияси аср таваллудларини нишонлашди.

АЁЛЛАРНИ АСРАНГ

1991 йилдан бери Ироқ Курдистонида 575 хотин-қиз ўз эрлари ёки бошқа оила аъзолари томонидан «ахлоқ қондаларини бузганлиги» учун дорилбақога жўнатилган. Яна 263 нафари оилавий урсурлар туфайли касалхонага тушган. Курдистон Муस्ताқил Хотин-қизлар иттифоқи вакилининг таъкидлашича, бу рақамлар фақатгина Эрбил вилоятига тегишли.

БОЛА ҚУВОНСА БЎЛДИ-ДА...

Лондоннинг машҳур «Шерн» дўкони Рождество байрами арафасида ўзининг янги молларини савдога чиқарди. Булар: 55 минг фунт стерлинг турувчи ёмбидан қуйилган ва биллур билан безатилган «Еш спортчи» ўйинчоғи ҳамда қутилмаган-конфет ишлаб чиқарувчи ўйинчоқ мошинчадир.

Дарвоқе, «завод» мошинчанинг баҳоси 220 минг фунт стерлинг.

ДЕНГИЗ СИРИ — ХАЗИНА

Уругвай ғаввослари Монтивидеодан 250 километр шарқда, сувга 1753 йилда чўкиб кетган «Нуэстра сеньора дель Росарио» кемасини қидиришмоқда. Кемада қимматбаҳо юк — кумуш бўлган.

Экспедицияга мамлакатда сув остида сузиш ишқибози бўлиб танилган 34 ёшли тужжор Эктор Бадо раҳбарлик қилмоқда. Унинг айтишича, сайёҳат давомида хазина топиш эмас, балки денгининг тарихий тилсимини очиш муҳимдир.

Оила

37 ЕШДА

Муҳаббат ва ҳаёт йўлида қизлар мени тўғри тушунишса бас. Мен жуда ҳам адашман, айёрлик ва ёлгончилик орқасидан ғариб бўлдим. Шу боис уйланиб, ажрашганман. Хотиним бир фарзандим билан бошқа юртда яшайди (рус аёли), ичмайман, чекмайман, оила ва бола учун бутун борлигимни, керак бўлса умримни бахшида этаман, одобли, намтар, хушфезлли, меҳрибон ва ғамхўр бир инсонни ўзимга муфти ҳалолликка излапман. Ўзим ҳам шу тавсияни барчасига амал қиламан. Тошкент вилоятида тураман. Касбим — оддий ишчи. «Оила-276» интизорлик билан хатларингизни кутаман.



Х. САИДОВ сурати

Табриклаймиз!



Муътабар онажонимиз МУҚАДДАМ АКРОМОВА! Сизни 29 декабрда 70 ёшга тўлишингиз билан қутлаймиз. Сизга доимо бардамлик, тинчлик-хотиржамлик, Худойимдан узундан-узун умр тилаймиз. Кексалик гаштини суриб, тўйларимиз, уйлариңизни бошчиси бўлиб юрaverинг.

Фарзандларингиз ТОХИР, МУЪТАБАР, ДОНО, БАХТИЕР ва сиғилинғиз РИХСИ, куёвингиз КОМИЛ, НАБИРАЛАРИНГИЗ.

Хурматли ва қимматли жилимни НАСИБАХОН!

Қириб келатган 1994 йил янги йил байрами билан чин юракдан табриклаймиз. Сенга узоқ умр бахт-саодат тилаймиз, деб тоган АБДУРАЗЗОҚ, уканг АНВАРЖОН.

Хурматли дадажонимиз ХАЙРУЛЛА БЕРДИМУРОДОВ! Биз сизни 1-январ қўтлағ 50 ёшингиз билан чин

юракдан табриклаймиз. Келгуси ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Оллоҳим сизни ўз паноҳида доимо бардам-бақувват асраб, илоғ, аяжонимиз билан бахтли-саодатли ҳаёт кечириб, қўша қариб юринглар. Фарзандларингиз бахтига омон бўлинглар, деб оила аъзоларингиз номидан ўғлингиз БАХТИЕР БЕРДИМУРОДОВ. Тошкент Молия олийгоҳи IV-курс толиби.



Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Азиз ва меҳрибон волидамиз, меҳри дарё МАХБУБА БУВИЖОНИМИЗ!

Сизни 20 декабр таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Сизга боқий умр, тан сиҳатлик, тинчлик хотиржамлик тилаймиз. Илоғ, ҳар ишда Сизга Оллоҳ мададкор бўлиб, фарзандларингиз, невар ва звараларингизни ҳузур-ҳаловатини кўринг. Оиламиз бахтга ҳамisha соғ-саломат бўлинг. Сизга нисбатан доимо фарзандларингиз, невар келинларингизни қўли кўксиди, боши таъзимда бўлсин. Фарзандларингиз, невар ва звараларингиз номидан: ФЕРУЗАХОН



Қадрли волидаи муҳтарамимиз КУПАЙСИНОЙ ФАЙЗИЕВА!

Сизни таваллуд кунингиз билан муборакбод этаман. Оллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ризқу-барака тилайман. Бошимизга доимо соғ-омон бўлинг. Ўзингиздан нур, чеҳрангиздан табасум аримасин. Сизга яна кўп эзгу тилаклар тилаб, ўғлингиз АХАДЖОН РУСТАМОВ, Шаҳрисабз шаҳри.



Азиз дадажонимиз ЮНУСОВ Б!

Сизни тўғилган кунингиз билан табриклаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин. Доимо соғ-саломат бўлинг, ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

Қадрли дўстимиз МУРОДЖОН УРОҚОВ! Номзодлик диссертациянғизни муваф-

фақиятли ҳимоя қилганинғиз муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга ва оилангизга боқий умр, тан сиҳатлик тилаймиз. Янги йилда янғича бахт ва омад ҳамроҳингиз бўлсин. Ҳар ишда Оллоҳ мададкор бўлиб, фарзандларингизнинг ҳузур-ҳаловатини кўриб юринг.

СОБИҚ КУРСДОШЛАРИНГИЗ, Тошкент шаҳри



Қашқадарё вилояти 1-сон шифохонасининг ошқозвор ичак касалликлари бўлми бош врач ПАНЖИ САФАРОВ!

Сизни Янги йил байрамингиз билан табриклаймиз. Тилагим ҳамisha соғ омон бўлинг. Ишларингизга ривож, оилангизга тотувлик ёр бўлсин. Қам бўланг, умрингиздан барака топиб, фарзандларингиз ҳузурини кўринг, деб укангиз РАҲМАТУЛЛА ЧОРНЕНБ.

Хурматли падари бузрукворим НАРЗУЛЛО ҲАМРОВЕВ!

Сизни 23 декабр 37 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин кўнглимдан самимий қўтлайман. Ило-ё, умрингиз



узун ва серишддат қадамларингиз чақмоқ гулларга тўлиқ бўлсин. Сизга ҳаётининг бутун беғуборлиғиго оталик муҳаббатининг энг сара асрорларини тилайман. Насибангизга насиба, қувончингизга оламнинг жамлики қумушранг яхшиликлари сарғашта бўлсин. Фарзандларингизни ҳузур-ҳаловатидан айирмасин.

Ўғлингиз ЖУРАБЕК. Қашқадарё вилояти. Қариш шаҳри, Арабхона маҳалласи.

* * *

Севги ўлкасининг маликасисан,

Муҳаббат водийсида гул-чирой ўзинг.

Жаннат боғларининг андозасисан,

Парилар рухсорин сўндириб ҳуснинг.

Дунёнинг мардлари товоининг ўпсин.


Ун тўққиз баҳоринг муборак бўлсин!

* * *

Иқтисод куллитининг 3-босқич толибаси СОБИРОВА

НАФИСАХОНИ! Бир ғуруҳ дўстлари номидан тўғилган кун билан табриқлаб

АДОЛАТ ва НУРХОН.



Шоир Эшқобил Шукрунинг «Манглайи олати қарич». Асли сурхондарёлик. Ҳозир Тошкентда яшаб ижод қилмоқда. «Саодат» ойномасининг муҳаррири ўринбосари. «Юракни ўрганиш» «Сочлари сўмбўл-сўмбўл», «Тунги гуллар» шеърӣ тўпламларининг муаллифи. Рафиқаси Маҳмуроҳон уй бекаси. Меҳридинжон, Маҳкамтоҳсон исмли икки фарзанди бор. Бахтли оила.

ЧАҚМОҚНИНГ ҚИЗИ

Бу не таманнодур, бу не кўркам ноз,
Суйғулим, ойғулим, чақмоқнинг қизи.
Мен одам боласи, менинг умрим оз,
Сизга йўқдир ўлим, мангу ёлғизим.

Бу не мурувватдир, бу не тараҳҳум,
Мени ўтга ювар чақмоқнинг қизи.
Танда таҳлика-ю, руҳда тақаддум,
Сиз ойдай хотиржам, мангу ёлғизим.

Бу не файзли рафтор, бу не тажалли,
Руҳимнинг бекачи, чақмоқнинг қизи,
Мен бир ўткинчиман, дунё ажалли,
Сизга йўқдир ўлим, мангу ёлғизим.

Шойи шафақлардан хилғат муборақ,
Бекачим, пойингда эрир олтин ой.
Сочларинг бандиси — юрак муборақ,
Мендай ўткинчининг аҳволига вой.

Кўзингдан сув ичиб, қўлингдан туз еб,
Ёнар қуши — юлдузлар изинга ёрлик.
Дунёга осмондан тушган бир қиз деб,
Бир юрак келтирдим... Муҳаббат қуллуқ!

Бекачим, бу кеча қушга айландим,
Руҳимнинг севари, қалбимга қалиқ.
Зангор туйғуларни кийиб шайландим,
Бир ҳаёт келтирдим... Муҳаббат қуллуқ!

Қуёш эгачиси — бекачим, сўйла,
Бир сўзга айланиб бормоқда борлик.
Ойбекач, гул бекач сен қабул айла,
Бир шойир келтирдим... Муҳаббат қуллуқ!

* * *
Севгилим, сен гулсан, севгининг гули,
Мен эса, дунёнинг залворли тоши.
Пойингда умримнинг ўттиз бир йили,
Ўттиз бир ёшимда айланди бошим.

Севгилим, сен ойсан, севгининг ойи,
Узансам етмайди... етмайди қўлим.
Чархи кажрафторнинг райёни мойил,
Ўттиз бир ёшимда айланди дилим.

Нечун паришонсан менинг қошимда,
Сўлим бир оҳангсан, сўлим бир баёт...
Ўттиз бир ёшимда, менинг бошимда,
Тегирмон тошидай айланди ҳаёт.

Севгилим, сен гулсан, севгининг гули,
Сенга бўйлай олмас на давлат, на шон.
Пойингда умримнинг ўттиз бир йили
Кечиккан гуллардай йиғлар паришон.



Раҳмат нурин сочар Малик Явмиддин,
Зулфинни тарайди ўттизта ҳилол
Ва ўттиз бешикда диёнат ва дин
Сен-да ўттиз ҳурни эмизган аёл...

Қошингдан изма-из авлодлар ўтар,
Бу қандай виқордир?.. Қандай оройиш?
Бошдан оёгингга гул сочиб кетар
Юраклар бошлаган буюк намоиш.

Билмасман, оғанми улуғ Муҳаммад,
Қуёш парчалари қайтмишдир яна.
Юрагинг — эрк қуши, жонинг — фароғат,
Сен-да, ўттиз ҳурни улғайтган она...

Илоҳ манглайингдан ўпган ҳойнаҳой...

ИЛОҲ МАНГЛАЙИНГДАН ЎПГАН ҲОЙНАҲОЙ...

* * *
Бу кўнгул устина қорлар ёғдилар,
Боғларин пайҳонлаб ўтди ёронлар.
Ақллар, фикрлар ҳайрон боқдилар,
Унинг қайтар вақти бўлди ёронлар.

Кўнгул қулбасини обод этган гул,
Ҳимматингга қуллуқ, раҳмингга қуллуқ.
Ахир нимани ҳам кўрди бу кўнгул,
Гоҳида султонлик, гоҳида қуллик...

Бу кўнгул меҳридан тошлар эриди,
Кўшиққа айланди нолаи зорлар.
Сулаймон сурури — сафар қариди,
Унинг қайтар вақти бўлди ағерлар.

Қимнидир қарғади, қимнидир суйди,
Сўмбўла сувига тўйинган кўнгул...
Бу кўнгул ҳокисор кат-та йўл эди,
Ўздан бошқа ҳеч ким юрмаган бир йўл.

МАНГУ ЮРТ

Илоҳ манглайингдан ўпган ҳойнаҳой,
Сенга камалакдан ипак ҳалинчак.
Бошингда солланиб турар ўттиз ой,
Ҳазрати Хизрни кўрган келинчак.

* * *
Бу кўнгул даштнини бузма, ай дунё,
Жонтортар майлисинг тузма, ай дунё.
Келдик. Қалб юртида ҳурлик ва бахт бор,
Қуллик ила фитна кўзда, ай дунё.
Қуллик ила фитна кўзда, ай дунё.
...ай дунё... ай рўё...

Сан илоҳ жавҳари, маъруф туз, ай сўз,
Ниш ипига дилни бир-бир тиз, ай сўз.
Келдик. Бошимизда қанча синов бор,
Сан гувоҳ ўтарсан, ўзинг — кўз, ай сўз,
Осмондан келган кўз ўзингсан, ай сўз
...ай сўз... ай... сўз...

Биза мурувватсан, ҳикматсан, ай руҳ,
Сан худо назари, ҳимматсан, ай руҳ,
Бу тан бузуи обод, эрдан харобот,
Бир тола нур уза абадсан, ай руҳ.
...ай руҳ... ай руҳ...



* * *
Воажаб! Мени кўп ҳайратга солар...
Тилда минг даъво-ю, дилда ҳеч маъно
Ўзини ҳар кун бир янгилаб олар,
Гўё эрдан чиққан хотиндай дунё.

Севгининг сочини дор этдим ойга,
Қулфатни тутқаздим қўли куйсин деб,
Қабрлар остидан от чолдим, пойга,
Улимни устига сени келин деб.

Улмадим қарғишдан.
Дарахтнинг шохини тош билан кесдим.
Оловнинг чўғига кўмдим ҳасратим.
Меҳрни сипқордим, куймади жоним.
Вужудим қонига йиғлар Ватаним.

Ватаниннг қулман.
Ҳижронга гўр қаздим икки қирғоқдан.
Бирига тош қўйдим, бирига бошим.
Хотирам сеҳрида рангин манзара,
Қимнинг кўзларида қолди кўз ёшим.

Ёлғизлик ёримдир.
Илондек судралдим тупроқни эзиб,
Эркин, шамолларга осилдим хоргин.
Чўнтагим кесилди бозорни кезиб,
Баридан тўйдиму қайрилдим тагин.
Нафсимни суйдим.

РАССОМ ХАЕЛИ

Гулни қоп-қора,
Ойни қоп-қора,
Қуёшни ям-яшил,
Ранга бўяб бўлармикин,
Ернинг пешонасига ўтқазиб.

УКАМГА

Нега кирдинг
Чумолининг уясига,
Қўлларинг
қавариб кетибди ахир.



Қалдирғоч уйдаи ухлайди илон,
Осмонда дарёлар кўтарар тўзон.
Бошини қўйинига беркитганча жон,
Босган қадамини ялайди итлар,
Мен эса жим.

Зухро юлдузларин упаси бормиш,
Заҳарни ютолмай йиғлайди Қумуш,
Жаннатда муҳаббат осуда эмиш,
Қўлдаги гулмини талайди итлар,
Мен эса жим.

Тераклар тилида таралади мунг
Бир ҳовуч тупроқдай, тўкилар кўзлар,
Бардошдан ёрилиб ўлганимдан сўнг,
Қабрим тупроғини тигади итлар,
Мен эса ҳамон жим.



ДАШТНИНГ ЕЗИ

Қаҳат-қаҳат ўйнар одамлар,
Майсаларнинг рангига боқиб.
Тикан аро тўя қадамлар,
Кетмонлардан тер чиқар қалқиб.

Қуёш ўпар даштнинг лабини.
Кўзичоқлар ер қавианади.
Тошбақалар жўнар ғарб томон.
Адирларнинг юзлари ўқчиб,
Товланади ёнаётган осмон.

Юраклари эрийди тошнинг.
Чумолилар бир гала гўрқов,
Дафн этар ҳашоратларни.
Томирлари қақшар дарахтнинг,
Сўз сўрайди илон бечора.

Ернинг сугин эмади қуёш.
Оёқлари қаварган бола,
Чопқилайди, тўполон бўлиб,
Остонада занжирланган ит,
Қараб турар тили очилиб,
Суяклари ёнар султоннинг.

У худди ширин туш кўраётгандек сезарди ўзини. Демак, бугун хозирги обрўсига янада кўпроқ обрў қўшилиши мумкин. Фақат ютса. Ютилсачи? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Дунёда ягона чемпиони Али бўлиши шарт. Худо хоҳласа бўлади ҳам. Ушбу хаёлар унинг кучига куч, ғайратига ғайрат кўшди. Жангда қолиб чиқса 99 фоиз ишонч ҳосил қилди. Биринчи раундни бой бермасе бас, қолгани ўзига ҳавола. Рақибни кўз очишга ҳам қўймайди.

Катта кўчада Алини қўлма-қўл қилиб оқиб келаётган оломон Фрээр машқ қиладиган саройнинг катта эши-

ганди. Хуллас, мамлакатдаги энг йирик спорт саройларидан бири «Мюнисипал» аудиториум» энг сўнгги ўриндиқларигача ишқибозлар билан банд қилинди. Рингнинг атрофида дунёнинг турли китталаридан ташриф буюрган олти юздан ортқ журналистлар жойлашган. Муҳаммад Али 72-жангга бел боғлади. Бунисига ҳеч ким қаршилиқ қилмайди. Ҳаттоки ҳокимият ҳам қамалган собиқ чемпионнинг узоқ танаффусдан кейинги навбатдаги беллашувини катта қизиқиш билан кузатиши турган гап. Муҳаммад Али шу бугунгача фақат профессионал рингда (15 раундли муштлашув) 29 бор жанг

тиб қадаб қўйилди. Бу албатта, муҳим аҳамиятга молик бўлган муштлашувда ғалаба яна оқ танлилар қўлидан негрлар томонига ўтиб кетганидан афсусланишнинг билдирарди. Навбатдаги 30-муваффақиятдан сўнг Муҳаммад Али спорт журналистларига шундай деганди:

— Учрашувнинг дастлабки соняларида анча ҳаяжонландим. Шу билан бирга ортқча ҳаракатларга ҳам бехуда куч сарфлашимга тўғри келди. Муштлашувга тайёрланиш учун борйўғи 36 кунлик вақтим кетди. Бу профессионаллар ўртасида ғалабага нис-

ди. Фрээр шу кунгача чемпионлиқ унвонини ўзида сақлаб келаётган эди. Уларнинг биринчи учрашуви шунчаки ғалаба учун ўтказилган бўлса, мана буниси ўз-ўзидан маълумки, дунё профессионал боксчилари ўртасидаги олтин шохсупага ягона ҳокимлик учун ўтказилди. Муштлашувини 1971 йилнинг 8 мартда уюштиришга қарор қилинди. Жангдан олдин Фрээр Муҳаммад Алини ҳар галгидек роса ҳақоратлади: «Муҳаммад Алининг қўлидан ҳеч нарса келмайди. У негр. Мен уни бешинчи раундга бормасданоқ ер билан битта қилиб ташлайман. Али — тамом-вассалом...»

Хуллас, 1971 йилнинг 8 марти ҳам эшик қокди. Маҳаллий полиция рақиблар оиласини ўз қарамоғига олиб ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлади. Учрашув бошланди. Дастлабки раундлар Алининг устунлигида ўтди. Мана, охиридан иккинчи, яъни 14 раунд. Фрээр ҳужумга зўр берди. Рингнинг тўрт бурчида ҳам ҳоким-

«ҚУТУРИШ»НИНГ БОШЛАНИШИ

(ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ МУҲАММАД АЛИ — 3)

ги қаршисида тўхтади. Собиқ чемпион ўз мухлислари ҳамда тарафқашлари қуршовидан қийинчилик билан ўтиб келиб ёғочдек бақувват бармоқлари билан эшикни тақиллата бошлади: — Жо, оч эшикни мен келдим. Ҳамма жим. Ичкаридан чурқ этган овоз эшитилмайди. У яна қаттиқ-қаттиқ черта бошлади:

— Жо, ичкарида эканлигини билман, йигит бўлсанг эшикни оч. Ташқарига чиқ! Сеннинг афт-башарангни ҳамма кўрсин. Бу одамлар учун энг охиригиси бўлади. Бугундан бошлаб Америкада сени ҳеч ким кўрмайди.

Кутилмаганда кимдир эшикка гавдаси билан келиб урилди. Эшикка қўшилиб ўзи ҳам ичкарига қўлаб тушди. Бу кимса Муҳаммад Алининг энг яқин дўсти Янк Дурхези эди. Али билан ҳамма ичкарига бостириб кирди. Жо Фрээр рингнинг ёнига қўйилган стулчада бир қўлига бокс қўлқопини кийган ҳолатда хомуш ва ҳорғин ўтирарди. Рақибнинг оломон билан қўшилиб саройга кириб келганлигини билса-да қарашга гурури йўл қўймади, шекилли, пинагини ҳам бузмасдан ўтираверди. Унинг бу ҳолатини кўрган Муҳаммад Али озгина бўлса-да ховуридан тушди. Кунгли юмшаб, ичи ачий бошлади. Ахир, Жо ҳам донг чиқарган профессионал-ку! Шартми эшикни синдириб кириш? Шу кез у қилган ишларидан ўзи ҳам гижичиб кетди. Ташвишланди. Рақиб олдида қолди чекди. Фрээрга нисбатан м-шафқат алангасини туйди...

Шу кун Фрээр — Муҳаммад Али муштлашуви ўтказилмади. Учрашув ташкилотчилари Филадельфия штати полициячиларнинг қақшатқич зарбасига учради. Ҳамма норози кайфиятда уй-уйига тарқалдилар. Рақиблар ҳам бир-бирини сўкиб, қўрқитиб, ҳақоратлаб, охири икки кутбга ажралашди. Орадан икки ой ўтгач, Флорида штатининг губернатори Клод Кирк ушбу муштлашув ўтказилиши лозимлигини мамлакат ойнаи жаҳони орқали кенг овоза қилди ва бунда, албатта, Жо Фрээр ғалаба қозонишга катта умид боғлади.

1969 йилнинг декабрида АҚШнинг энг машҳур ёзувчи, шoir, актёр, сиватчи, расомларидан жами 102 киши Муҳаммад Алининг рингга чиқишига рўхсат сўраб ҳокимиятга мурожаат қилди. Ужар раҳбарлар бу сафар ҳам уларнинг фикрини инобатга олмади. Қамок муҳлати тугамагунча қадар Муҳаммад Али ринг ҳақида ўйлаши ҳам мумкин эмаслигини қайта-қайта уқтирдилар.


1970 йил, Америка кўчаларида катта байрам. Халқ қувончининг чеки йўқ. Худди шу кун оғир вазндаги профессионал боксчилар ўртасида собиқ жаҳон чемпиони Муҳаммад Алининг қамок муддатга тугади. Бундан бугун озодлиқ, яна ринг, яна қонли жанглар, ҳамён-ҳамён долларлар... Худди ўша кун ижарланувчи Муҳаммад Али Калифорния штатининг оқ танли чемпиони Жерри Кворри билан муштлашув учун тўрт йиллик танаффусдан кейин навбатдаги 72-шартномага имзо чекди. Бироқ орадаги нақ 47 ойга чўзилган суктдан сўнг рингда Муҳаммад Али ўзини ўнглаб олармикан? Ҳали бу борада ҳеч ким ўзини синиб кўрма-

қилиб, бир марта ҳам мағлубиятга учирамаган. Шулардан 23 рақибини фақат нақауд билан қўлатган, Навбатдаги учрашув олдида унинг устози Анжелло Данди ҳам бироз ҳаяжонланди. Ва бокс ишқибозларига қарата шундай деганди. «Шу пайтгача ҳаётда бунақаси учрамаган. 4 йиллик қамок жазосидан сўнг ёлғиз Муҳаммад Алигина яна улкан ғалабалар сари катта умид боғлади. Бу унутилмайдиган ва ақлга сизмайдиган тарихий воқеадир». Муҳаммад муштлашув олдида ортқча реклама ҳамда гап-сўзларга, рақибни чўчитишга илгаригидек зўр бермади. Фақат ҳалол ғалаба сари интилишга қарор қилди. Рингга жуссасини ғоз тутиб, икки қўлини баланд кўтарганича чиройли табассум билан сакраб-сакраб кириб келди. Ҳакамнинг ишорасидан сўнг баҳайбат гавдаси силкина-силкина йўғон-йўғон қўллар ишга киришди.

Биринчи раунд. Муҳаммад Али ўзига хос услубда турли машқлар кўрсатаётгандек ҳаракат қилди. Кези келганда ўнг ва чап қўллари билан Кворрининг қорнига, кўкрагига, башарасининг ҳимоясиз қолган бурчакларига кучли зарбалар ёғдирди. Шундай қилиб, дастлабки уч дақиқадан ўз фойдасига ҳал қилишга мувофиқ бўлди. Иккинчи раунд. Али ҳужумкорликни бутунлай ўз қўлига олди. Рақибни бир минут бўлса-да, ўзига яқинлашига йўл қўймади. Унг ва чап қўллари билан зарба устига зарбалар туширди. Бечора Кворри иккинчи раундни ҳам бой берди.

Учинчи раунд. Алининг абжирлигига абжирлик қўшилди. Бундан 4 йил илгариги чаққонлиги унинг танасига қайта қўйилгандек эди, гўё. Мана шу раунднинг охириги соняларига келганда рақиб ҳам унинг юзига икки-уч бор мушт туширишга муваффақ бўлди. Бироқ собиқ чемпион довдираб қолмади. Жаҳл устида оч бўридек кутурган ҳаракатлар билан Кворрини муштлари остида қолдирди. Энг сўнгги кучли зарба рақибнинг қорнини худди қорни ёрилган олма сингари нақ иккига бўлиб ташлади. Тарафқашларнинг ҳайқирғи саройни йиқитиб юборгудек авжига чиқди. Рингнинг ҳамма томони қип-қизил қонга бўялди. Муҳаммад Али эса рақибнинг тўғри келган жойига шарақлатиб мушт туширишдан тиблмасди ўзини. Унга қолса, йиқитгунча гурсиллатиб ура-верарди-ю, аммо ҳакам уларни ажратиб юборди. Иккалеси ҳам дам олиш учун ўзига тааллуқли бўлган бурчакларга бориб ўтиришди. Тўртинчи раунд бошланмасданқо рингнинг ўртасида турган бош ҳакам оёқлари остига оқ сочиқ келиб тушди. Бун Кворрининг устози ташлаганди. Демак, у мағлубиятни тан олди...

Профессионал рингдаги 30 жанг ва 30-ғалаба! Енгилмас қоплон яна рингга қайтди. Қайтганда ҳам қандоқ денг, кутурган йўлбарс мисоли. Унинг душманлари эгини қисиб, лабини ташлаб ич-ичидан ининиб қолаверди. Чемпион Муҳаммад Алининг ушбу ғалабасидан сўнг шаҳар губернатори 26 октябрни мотам кун деб эълон қилди. Унинг буйруғи билан шаҳар худудининг барча давлат идоралари қошига миллий байроқлар қўлиб мотам кунларидагидек учи паства қара-



батан иродани мустаҳкамлаш учун етарли эмасди, албатта. Агарда ушбу жанггача яна икки ой машқ қилганимда борми, рақибимни биринчи сонядаёқ абжағини чиқариб ташлаган бўлардим. Эслатиб қўяй, Кворри ҳеч қачон менга муносиб рақиб бўлолмайдди.

Ҳақиқатан ҳам Муҳаммад Али ҳақ гапни айтди. Уни рингдан бутунлай чирпирак қилиб учириб юбораман, деганларнинг кўпчилиги ўзaro муштлашувда икки-уч раунддан ортқ чиқолмаган. Собиқ жаҳон чемпиони салкам тўрт йиллик қамок жазосидан кейин қўлга киритган ғалабаларини сон жиҳатдан янада кўпайтириб, 1970 йилнинг 7 декабрида 20 мингдан ортқ ишқибозлар гувоҳлигида Аргентинанинг энг оғир вазндаги профессионали Оскар Бановийга қарши рингга чиқди ва 15-раунд охирида уни ҳам даҳшатли нақауд билан оёқлари остига қўлатишга муяссар бўлди. Мураббилар ҳўшсиз ётган Оскарни рингдан тўппа-тўғри касалхонага олиб кетишди. Текширувлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, учрашувнинг 44 дақиқасида кучли зарбадан миядаги қон томирлари лат еган экан. Оскар касалхонада 60 кун даволаниб чиқди.

Муҳаммад Алига 31-ғалабадан сўнг яна жаҳон чемпионлигини қайтариб олиш имконияти туғилди. Бунинг учун у ғалабалар сонига яна бир ғалабани қўшиши лозим эди. Демак, олдинда турган навбатдаги жангга жиддий тайёрларлик кўриш лозим. Ахир у ушбу кунларни озмунча кутганимди! Бу борада унга яна баджаҳл рақибларидан бири Жо Фрейзер мушт кўтар-

лики ўз қўлига олди ва кутилмаганда Алининг ҳимоясиз қолган пешонасига чап қўлда усти-устига икки бор кучли зарба берди. Муҳаммад Али ҳолсизгина полга қўлаб тушди. Нақдун. Охириги 15 раунд ҳам Фрээрнинг фойдасига ҳал бўлди. Учрашув охирида ҳакамлар Жо Фрээрнинг Муҳаммад устидан очколар фарқи билан ғалабага эришганлигини билдиргач, ҳамма уй-уйига тарқалди. Али госпиталга ётқизилди. Жағ суяклари ва иягининг остидаги қон томирлари қаттиқ лат еганлиги, эзлиб кетганлиги туғайли анча даволашга тўғри келди.

Йиқилган курашга тўймас, деганларидек орадан кўп ўтмай Муҳаммад Али Жо Фрээр билан яна бир марта муштлашишга тайёр эканлигини таъкидлаб, томонлар келишуви билан такрорий учрашув 1972 йилга мўлжалланди. 1971 йилнинг 8 мартдаги дўппослашувдан роппа-росса 112 кун ўтгач, яъни 28 июн кун Муҳаммад Али Америка Қўшма Штатлари Олий судининг навбатдаги қарори билан тамоман оқланди. Аммо, Фрээр билан 1972 йилда ўтказилиши лозим бўлган жанг айрим сабабларга кўра тобора кечиктиб бораверди, ва охири 1974 йилнинг январи бу борадаги ортқча шов-шувларга чек қўйди. Ҳар иккала боксчи ҳам бир овоздан жангга розилик берди. Жо Фрээрнинг ёши 30 да, оғирлиги 93 кило. Муҳаммад Али эса 32 ёшда, 96 кило. Иккалеси ҳам ғалабага катта умид боғлаган...

Давоми келгуси сонда.
Нормурод МУСОМОВ тайёрлади

Рассом Сарсоний йиғма курсида оёғини чалиштириб, ўзича хаёл суриб ўтирган эди, ноҳос эшик тақиллади. У эринибгина эшикни очди. Остонада елкасига тўрава халта ташлаб олган, мош-гурунч соқолли чол тиржайиб турибди.

— Келинг, марҳамат!— деди Сарсоний чолни ичкарига таклиф қилиб.— Эшикни кўнгироғи бор эди. Тугмачасини боссангиз бўлди эди.

— Отагинам, биз қишлоқ одами, кўнгироғингни қаёқдан биламиз!— деди чол елкасидаги халтани Сарсонийнинг кўлига тутқазаркан.— Болаларингга, қурт-пурт дегандай, қишлоқдан савоти...

ўхшамайди-ку.

Сарсонийнинг ранги бўзарди.
— Катта мамлакатда Узақдан бошқа қишлоқ йўқ деб ўйлайсизми!

— Ман учун йўқ! Лекин сан мани тушунмадинг. Мана, «Беданабоз» деган расмингни олайлик. Хўш, менга айт-чи, мана ман шундай ўтирибман. Топ-чи, бедана қайси кўлимда!

— Чап кўлингизда,— деди Сарсоний писиллаган овозда.

— Ҳа, ўлма! Нега унда сен чизган расмдаги киши беданани ўнг кўлида ушлаб турибди! Ахир ўнг кўл билан салом-алик қиламиз, овқатланамиз, тўғрими!

«БЕДАНАБОЗ»

— Овора бўлибсиз-да,— деди Сарсоний халтани олар экан.

Чол ичкарига кираркан, деворлардаги турли-туман портрет-расмларни кўриб, «адашиб, музейга кириб қолдиммикан» деб анқайиб қолди.

— Келинг, ўтиринг,— деди Сарсоний чолга оромкурсини кўрсатиб.— Заб кебсиз-да!

— Тунов куни,— деди чол чўққи соқолини силаб.— Қишлоқда тоғанг билан гаплашиб қолувдим...

— Қайси тоған билан!— ўсмоқчилади Сарсоний.

— Ирискул тоғанг билан-да.

— Эй, отахон тушмагур-эй! Шу келишим, тўғри Узақдан келаяпман. ден! Уб-бо, сиз-эй! Қалай, қишлоқлар жойидами!

— Шунакасан-да, қишлоқни унутиб юборгансан,— деди чол ўпкаланиб.

— Сен чизган расмлар қайсидир журнолда чиққан экан. Шу журнолни Ирискул тоғанг кўрсатиб: «Биззи жиянди чизган расмлари» деди. Расмларингни кўриб, бироз жаҳлим чиқди. Битта расмингни остга «Узақ манзараси» деб ёзиб қўйибсан. Узақка

Сарсоний нима дейишини билолмай ўсмоқчилади:

— Мана, танишиб ҳам олдик, энди бир пиёладан чой ичсак, гап қочиб кетмас!

Чол оромкурсига жойлашиброқ ўтираркан, кўлидаги бедана солинган халтани ёнидаги оромкурсига қўйиб қўйди.

— Чой ичиш қочиб кетмас, отагинам,— деди чол кўлини бигиз қилиб.

— Сен аввал «Беданабоз» асарингни бошқатдан, манга қараб чизгин, мани кўнглим жойига тушсин. Ана ундан кейин майли, чой бўлса, чой-да!

Сарсоний бўлса, «Эй, чоли тушмагур-эй, дардингиз буёқда экан-да» деб чолнинг ёнидаги оромкурсига ўзини ташлади. Шунда чол ўрнидан туриб кетди-да, қайтиб ўтириб қолди.

— Единг!— деди у беҳолгина.

— Нимани!— деди Сарсоний чўчиб.

— Бе... бе... бе...
Чолнинг тили айланмай қолди.

Мирбаҳодир БАДАЛОВ

ЛАТИФА

АҚЛИ ОДАМ

Бир кишидан сўрадилар:

— Ақлли одам хотинини жуда яхши кўради, дейдилар, шу гап ростми?

— Бекор гап. Ақлли одам ҳеч қачон ўйланмайди.

ХОДИМНИНГ ЖАВОБИ

Икки мусофир шаҳардаги меҳмонхонага жойлашдилар. Улардан бири меҳмонхонанинг ифлослигиндан аччиқланиб, шундай деди:

— Бу чўчқaxonанинг нархи қанча?

— Бир чўчқа учун икки танга, икки чўчқа учун тўрт танга,— деди хозиржавоблик билан ходим.

ОРЗУЛАР

Уч дўст самимий суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Улардан бири деди:

— Айтайлик бугун Лайлатулқадр кечаси. Қани ким нимани хоҳлайди?

Биринчиси: Мен юлдузлар миқдоридай пулим бўлишини хоҳлайман.

Иккинчиси: Мен эса, гўзал ҳаргин, ажойиб машина, бир милён динорим бўлишини хоҳлайман.

Учинчиси: Қанийди Худо сизларни у дунёга равона қилса-ю, мен меросхўрларинг бўлиб қолсам.

ИККИ МОШИН

Хотин эрига деди:

— Азизим, мен учун битта машина олсанг, сенга ярим умримни қурбон қилардим.

— Агар бутун умрингни қурбон қилсанг, сен учун икки машина олардим.

Тожиқ тилидан
Соҳиб КАМОЛ таржимаси



Муаллиф: Х. РАХМАТУЛЛАЕВ

ШУНЧАКИ МАРИЯ

АҚДАН...

1. Катта пул топиб олса нима қилиш керак! *недәғ тидәғ-ғидәғ еғидәғ
2. Маош билан харжининг фарқи нимада! *елдид есә иғинлоғеғ *идәғ иғитәғ лғинғидеғ
3. Яхши фикр қачон туғилади! *ниғәғ неғғинғидәғ иғтх
4. Қандай қилса миллионер бўлиш мумкин! *еғидо еғидәғ *дәғ неғғинғидәғ
5. Ун минг сўм қачон пул бўлмай қолади! *неғғинғидәғ динегғидеғ неғғинғидәғ
6. Хотин мошин ҳайдашни ўрганаман деса, нима қилиш керак! *недәғ жигеғидәғ еғидәғ
7. Ун учинчи маошингиз кам бўлса қандай чора кўриш керак! *недәғ тидәғ еғидәғ

Илҳом ВОДИНОВ

...НАҚАВ

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Мухаббат ИБОВА, Ҳалим САЙИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

374-ҚИСМ

...собик эрим ҳам бир неча бор оғиз солди. Карғишимга қолган эканми, мендан кейин уйланган хотини ташлаб кетибди. Узи кимор ўйнаб бор буди-шундан ажралибди... Ҳалиям орқамдан ялғини юрибди. Сафо қассоб билан орамиз бузилиб, аразлашиб қолган куни уйимизда пайдо бўлади. Сафо қассоб билан ярашган кунимиз эса қаёққадир ғойиб бўлади. Қайси бир жойда кичкинагина дўкончаси бор эмиш. Сафо қассоб...

375-ҚИСМ

...га ҳам беш кетмадим. «Эркак бўлсанг, тапур-тапур ўра-чирма, олиб қоч бир бостирманинг тағига, мени

нозу-фироғимга қараб ўтирасанми?»

376-ҚИСМ

Шу ўн саккиз йил ичда Сафо қассобдан бошқа яна бир неча корчалонлар менга севги-муҳаббат изхор қилди. Булар орасида оддий картишқафуруш дехқондан тортиб, катта-катта фирманинг бошлиқларигача бор. Ҳаммасига «йўқ» жавобини бердим. Лекин Сафо қассоб бошқача... Қизимнинг буй етиб қолиши тўйимизни яна орқага сурилишга сабаб бўлиб турибди. бўлмаса аллақачон тегиб олардим. Сафо қассобга айтганман: «тўйимиз қизимнинг бахти очилгандан кейин бўлади», деб. «Висолинга етолмай ўтиб кетарканман-да», деган

ўшанда Сафо қассоб «...екин мен бир нар...

377-ҚИСМ

...садан хавотирдаман: «Сафо қассоб мендан айниб қолмасмикан?» Улгур кизимни ҳам йўлини бермапти, ўзи эса бирортасини этагига маҳкам осилиб олмайди. Қизимни сўраб келадиган совчилар ҳам мени кўриб, кизим эсларидан чиқиб кетади. Узоқдан қараган одам қизим билан мени опа-сингил деб ўйлайди. Тўғриси, ўзим қизимдан анча ёшроқ кўри-наман. Хозирги кизларга ҳайронман, юзига қанча атир-упа сурмасин, «аввалгиларга ўхшамас...»

(Боши ўтган сонларда)
продюссер Уста КУПАЛ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом УСАНОВ, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОКУЛОВ, Мейли ИУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шахрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95.

Нормурод МУСОМОВ навбатчилиқ қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-713. 23189 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.